2010 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 9 (11.570)

Баҳоси эркин нархда

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

*Қадрли Ватан ҳимоячилари — аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!*

*Сизларни, Ватан ҳимоячиси деган олижаноб ишга ўзини бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимизнинг ўн саккиз йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.*

*Кейинги йилларда Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.*

*Мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.*

*Ушбу дастурга мувофиқ, Мудофаа вазирлигининг бўлинма ва қисмларини, чегара қўшинларини, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди.*

*Қуролли Кучларимиз ва уларнинг асосий жанговар бўлинмаларининг принципиал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини такрорлайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу ўз навбатида мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ва жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.*

*Мамлакатимиз ҳудудига суқилиб кирадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига қарши қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси бўлинмалари ва бошқа замонавий жанговар бўлинмалар ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини кучайтириш давом эттирилмоқда.*

*Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил этиб белгилангани, муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани армиямизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни принципиал жиҳатдан тубдан ўзгартирди.*

*Шу йиллар мобайнида ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш, қўшинларни замонавий қурол-яроғ турлари билан қуроллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, пул таъминотини ошириш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни рағбатлантиришга қаратилган аниқ мақсадли, комплекс дастурларнинг изчил ижро этилиши ҳарбий хизматчилар ва уларни оила аъзоларининг моддий, ижтимоий-маиший шароитларини сезиларли равишда яхшилаш имконини берди.*

*Шу давр ичида амалга оширилган ишларни баҳолар эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор.*

*Шу билан бирга, минтақамиз ва бутун жаҳондаги мураккаб, тез ўзгараётган ҳарбий-сиёсий вазият, биринчи навбатда, Афғонистондаги тобора кескинлашиб бораётган аҳвол билан боғлиқ тарзда хавфсизликка қарши реал ва эҳтимол тутилаётган хавф-хатарларнинг кучайиб, наркоагрессия, халқаро терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидларнинг миқёси кенгайиб бораётгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, давлат чегараларимизни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш чораларини янада кучайтиришни талаб этмоқда.*

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:*

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Аббасов Алишер Шавкатович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясининг катта ўқитувчиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»**

**Ходжакбаров Омониллахон Тўлкунович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

*Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Абдухалилов Сахиб Сабирович** — Давлат божхона қўмитаси Фарғона вилояти божхона бошқармасининг бошлиғи

**Мансуров Толиб Хуршетович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг ўринбосари

**II даражали «Шон-шараф» ордени билан**

**Акбаржанов Шухрат Абдурахманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Ахмедов Абдугапур Туйчибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Оккузиев Ёрбобо Ядгарович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Уктамов Рустам Хуснидинович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хамидов Бахтиёржон Усманович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командири

**«Дўстлик» ордени билан**

**Азимов Абдувахид Вахабжанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг бўлим бошлиғи

**Груздев Андрей Леонидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўшинлари маркази гуруҳи бошлиғи

**Ли Олег Анатольевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги авиация-техника лабораториясининг катта муҳандиси

(Давоми 2-бетда).

## БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



## ОНА ЮРТИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мустақиллигимизнинг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимизни мустаҳкам ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир. Шу кунларда мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллиги кенг нишонланмоқда.**

"Туркистон" саройида 13 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудга келди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётир. Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта — февраль-март ойларида чақириш белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматдаги, сафарбарлик-чақирув резервидаги ёшларни ҳар томонлама камол топтиришга, уларда она юртнинг ишончли ҳимоячиси бўлиш учун ҳамиша шай туришга асосланган характерни, дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари ҳарбий тайёргарликни илғор илм-фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган алоҳида имтиёзлар жорий этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 11 январда қабул қилинган Фармонига мувофиқ Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч босқичли танловга асосан, 2009 йилдаги энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илғор сержант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам мукофотланди.

Йиғилишда сўзга чиққан катта лейтенант Мурод Қосимов, кичик сержант Шавкат Чориев, ҳарбий хизматчи онаси Муқаддас Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

*БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон республикасида яшовчи аҳоли учун яна бир қулайлик яратди. Тошкент — Шовот тезюрар йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди. Шу тариқа Хоразм ва Қорақалпоғистондан Тошкентга қатновчи йўловчи поездлар сони олтитага етди.**

**• Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртмасига биноан Нукус шаҳрида 16 та турар жой биноси қисқа муддатда, яъни саккиз ойда қуриб битказилди. Янги турар жойлар Ички ишлар вазирлиги ходимлари ва ёш оилаларга топширилди.**

**• Самарқанд вилоят ўқув-тарбия мажмуасида ёш авлоднинг маънавий-маърифий тарбиясига бағишланган семинар ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан уюштирилган анжуманда ўқув муассасаларида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди, илғор тажрибалар ўрганилди.**

**• Янгиер шаҳрилик тадбиркор С.Бобохонов банкдан олган 155 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит ҳисобига томёпқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Янги корхонада хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида ҳар куни 800 квадрат метргача қурилиш материали тайёрлаш имконияти мавжуд. Тадбиркор С.Бобохоновнинг саъй-ҳаракати билан 25 та янги иш ўрни яратилди.**

**• 2010 йил Пешку туманидаги «Варахшо» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Навгаҳри, Ишкон, Денов қишлоқлари аҳолиси учун қувончли бошланди. Мазкур қишлоқлардаги 600 дан зиёд хонадон аҳлини ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси тўлалигича ҳал этилди.**

**• Кеча дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Жанубий Кореянинг Сувон шаҳрида ўтказиладиган нуфузли халқаро турнирда иштирок этиш учун жўнаб кетди. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари номи 17 январда маълум бўлади.**

### ЖАҲОНДА

**• Гаитида 7-7,3 баллик кучли зилзила натижасида мамлакат пойтахти Порт-о-Пренс шаҳри ва унинг атрофлари бутунлай вайрон бўлди. Мамлакат Бош вазири Ж.-М.Бельривнинг айтишича, зилзила қурбонларининг сони 100 минг кишидан ошиши мумкин. Ушбу кучли ер қимирлаши муносабати билан БМТ Бош ассамблеяси бугун ўзининг шошилинч мажлисини ўтказади.**

**• АҚШ Давлат котиби Хиллари Клинтон Гаитидаги мураккаб вазият муносабати билан ўзининг Австралия, Янги Зеландия ва Папуа-Янги Гвинеяга уюштириладиган ташрифини тўхтатди.**

**• Бразилия Президенти Лула да Силва Гаитида кўплаб одамларнинг ҳалок бўлиши муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилди.**

**• Хитой маҳсулот экспорт қилиш бўйича 2009 йилда дунёда биринчи ўринга чиқди. Маълумотларга кўра, ХХР корхоналари 2009 йилнинг 11 ойида четга 1,07 триллион долларлик маҳсулот сотган. Хитойнинг асосий рақиби Германияда эса экспорт ҳажми 1,05 триллион долларни ташкил этган.**

**• Мексикада гиёванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўда бошлиғи қўлга олинди. У «Эл-Тео» лақабли наркобарон Теодоро Гарсия Симентал бўлиб, ушбу жиноятчи бир қатор оғир жиноятларни содир этганликда, шу жумладан юзга яқин қотилликда айбланмоқда.**

**• Доғистоннинг Каспийск шаҳридаги боғчалардан бирида икки ёшдан беш ёшгача бўлган 42 нафар бола оммавий равишда ичак инфекциялари билан заҳарланган. Уларнинг барчаси касалхоналарга ётқизилиб, зудлик билан даволаш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозирча оммавий заҳарланиш сабаблари номаълум.**

**• Лас-Вегасда халқаро Электроника истеъмолчилари кўргазмаси бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган тадбирда жаҳоннинг 500 дан ортиқ етакчи компаниялари энг сўнги русумдаги техника воситаларини намойиш этишди. Кўргазмада жами 120 минг киши қатнашди.**

**• Хитой Тибетда жаҳонда денгиз сатҳидан энг баланд нуқтада жойлашадиган аэропорт қуришни режалаштирди. Янги аэропорт денгиз сатҳидан 4436 метр юқорида ўрин олади.**

# БУГУН — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

**Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг турар-жой таъминотига алоҳида аҳамият берилмоқда**

Истиқлол йилларида ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий-техник жиҳатдан мукаммал таъминланиши ва ривожланган мамлакатлар армиялари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун кенг имконият яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларда бўлганидек, Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида, авваламбор, инсон омилига, унинг манфаатларини таъминлашга, ҳарбий хизматчилар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган яшаш шарт-шароитини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ўз ҳаётини Ватанни ҳимоя қилишдек хайрли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоялаш, уй-жой ва социал-маиший шароитини янада яхшилаш, бир сўз билан айтганда, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига доимий алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Президентимиз юртимизнинг турли ҳудудларидаги ҳарбий қисмларда, Қуролли Кучларимиз тизимидаги бошқа муассаса ва ташкилотларга ташриф буюрганида, авваламбор, ҳарбий хизматчиларнинг кайфияти, оилавий аҳволи, орзу-умидлари билан қизиқади, яшаши ва хизмат қилиши учун яратилган шарт-шароитлар билан танишади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрами муносабати билан Ватан ҳимоячиларига мурожаатида ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар, уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмани яратиш асосий вазифалардан этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан тегишли қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ҳамкорлигида ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг февраль ойида ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун қурилиши мўлжалланаётган ҳарбий шаҳарчалар, ётоқхоналар, турар-жой ва коттежларнинг энг яхши лойиҳа ва макетлари кўргазма-танлови ўтказилди. Унда намойиш этилган ўндан ортиқ ташкилот ва лойиҳалаш институтлари томонидан тақдим этилган турар-жой лойиҳалари замон талаблари асосида, шаҳарсозлик меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ўтган йилнинг ўзида Тошкент ҳарбий округида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уйларнинг калитлари топширилди. Ҳарбий хизматчи Зафар Тўраев ана шундай янги уй соҳибларидан бири.

— Уч хонали квартирага эга бўлганимиздан қувончимиз чексиз, — дейди З.Тўраев. — Турмуш ўртоғим ва фарзандларим мендан ҳам кўра кўпроқ хурсанд бўлишди. Ўз касбимнинг орқасидан оилам учун муносиб яшаш шароити яратишга муваффақ бўлганимдан мамнунман. Бу мамлакатимизда ҳарбийларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

2009 йилнинг май ойида Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласида замонавий услубда қурилган, 32 оилага мўлжалланган тўрт қаватли шинам уйга ҳарбийлар оилалари кўчиб кирди. Замонавий қурилиш материалларидан бунёд этилган мазкур уйдаги қулайликларни кўрган кишининг ҳаваси келади.

Булар, четдан қараганда, оддий мисол бўлиб туюлиши мумкин. Аммо масаланинг моҳиятини чуқурроқ англайдиган бўлсак, шу биргина рақам ёхуд мисол замирида қанча-қанча одамларнинг қувончу шодлиги, орзу- умидларининг ижобати мужассам!

Ўз уй-жойига, Ватан ичра мўъжаз ватанига эга бўлган наинки ҳарбийнинг, балки ҳар бир ёшнинг, ёш оиланинг ҳаётга иштиёқи, келажакка ишончи, ўз касбига, Ватанига меҳр-муҳаббати ортиши табиий.

Шу маънода жаҳонда ҳукм сураётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида манаман деган давлатларда ҳам ижтимоий мақсадлар учун ажратилаётган маблағлар қисқартирилиб, бу борадаги турли лойиҳа ва дастурлар ижроси тўхтаб қолган бугунги мураккаб шароитда мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, хусусан, ҳарбийлар учун уй-жойлар бунёд этиш борасида бетимсол ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда ҳарбийларни маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар боғчаси, спорт майдони, мактаб ва шифохонага яқин, барча зарур шарт-шароит яратилган турар-жойлар билан таъминлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни арафасида Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларида ўнлаб ҳарбий хизматчиларга янги уйларнинг калитлари топширилди.

Шу қаторда юртимизда ёш офицерлар, сержантлар ва шартнома бўйича хизмат қилувчи хизматчиларга зарур маиший техника ва мебелларни ижарага ҳамда имтиёзли шартлар асосида шахсий фойдаланиш учун бериш каби қулайликлар ҳам яратилган. Бу борадаги дастурга асосан ҳарбий шаҳарчалардаги махсус савдо шохобчаларида турли мебеллар, телевизор, музлаткич, чангютгич, кир ювиш машинаси, бошқа кўплаб уй-рўзғор буюмларини ҳарбий хизматчиларга кредитга ва ижарага бериш тартиблари амалда жорий этилган ва ҳарбийларимиз бундай имкониятлардан кенг фойдаланмоқда. Ҳарбийларнинг истиқомат жойларида – ҳарбий гарнизон ва ҳарбий қисмлар ҳудудида ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари тармоғи янада кенгайтирилмоқда.

Булар юртимизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва ҳарбий хизмат нуфузини юксалтириш соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан эканини яна бир бор тасдиқлайди.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**



## ВАТАНГА ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ БУРЧ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан Ҳамза туманида жойлашган ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ЎзЛиДеП фаоллари, «Дўстлик» маҳалласи фаоллари ва ҳарбий хизматчилар иштирок этишди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар Ватанимиз хавфсизлиги Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда таъминланаётганлиги, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бораётганлигини айтиб ўтишди.

Шунингдек, бугун Ватанимиз посбонлари сафида ўз ишини пухта ўзлаштирган хотин-қизлар ҳам хизмат қилаётгани, жамиятимизда аёлларнинг ўрни, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий-маънавий ҳамда жисмоний салоҳиятлари давр талабларига жавоб бера оладиган профессионал даражада эканлиги ҳам эътироф этилди.

Тадбир давомида ЎзЛиДеП сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати М.Акрамова сўзга чиқиб, партия ўз саъй-ҳаракатларини ҳарбий хизматчининг ақлий ва ижтимоий-маънавий жиҳатдан камолотга етган, жамиятдаги ўрни ва мавқеини англайдиган, жамият олдида жавобгарликни ҳис этадиган шахс сифатида шаклланиши учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа шарт-шароитларни таъминлашга қаратилган дастурларни амалга оширишга сафарбар этишини таъкидлаб ўтди.

**(Ўз мухбиримиз)**
**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

## ПОСБОНЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

**Тиббиёт ходимлари ҳақида сўз кетганда, қўли енгил ҳамшираларни ҳам алоҳида меҳр ва ҳурмат билан тилга оламиз. Чунки улар ҳам шифокорлар билан елкама-елка туриб, беморларнинг энг оғир даврида касаллик билан курашади, тунни тонгга улаб, бедор туради.**

Аслида бемор билан энг кўп мулоқотда бўладиган ҳам, шифокор кўрсатмаси билан бемор то соғайиб кетгунича муолажа қиладиган ҳам ҳамширалардир. Шу боисдан доимо тиббиёт маликалари бўлган ҳамширалардан ўз ишининг моҳир билимдони бўлиш талаб этилади.

Кўп йиллардан буён ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига шифо бериб келаётган Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий поликлиникасида ўз соҳасининг энг малакали шифокорлари ва ҳамширалар меҳнат қилишади. Мана шулар сафидан Ойсулув Қамбарова ҳам муносиб жой эгаллаган. Ҳозирда қўли енгил ҳамшира поликлиниканинг жарроҳлик бўлимида фаолият юритиб келаяпти. Ойсулувнинг бу даргоҳдаги фаолиятига кўп вақт ўтмаган бўлса-да, уни бўлимда ҳамширалик касби сир-синоатларини моҳирлик билан ўзлаштирган тажрибали ходималардан бири сифатида билишади, ҳурмат қилишади. Дарҳақиқат, жамоада ўз ўрнига эга бўлиш, ҳурмат топиш бирмунча қийин масала. Бунинг учун инсондан ўз касбига фидойилик, тиришқоқлик, интилувчанлик, меҳнатсеварлик каби фазилатлар талаб қилинади. Ойсулув Қамбарова эса мана шундай фазилатлар соҳибаси. Буни ҳаттоки у билан бир жамоада фаолият юритаётган ҳамкасблари ҳам таъкидлашди. Биз ҳам Ойсулув билан суҳбатлашганимизда унга берилган сифатларнинг нечоғлик тўғри эканлигини дилдан ҳис қилдик.

— Ўз касбига чуқур меҳр қўйган инсон маҳоратини ошириш учун астойдил ҳаракат қилар экан, — дейди биз билан суҳбатда қаҳрамонимиз. — Ўқиш, ўрганиш, тажриба алмашиш, устозлар сабоғидан унумли фойдаланиш эса тажрибали ходим бўлишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бизнинг асосий вазифамиз Ватан посбонлари саломатлигини тиклаш. Ҳарбийлар соғ-омон бўлса юртимиз тинч, сарҳадларимиз дахлсиз бўлади. Шундай масъулиятли вазифада фидойилик билан меҳнат қилиш, бизнинг инсоний бурчимиздир. Мен шарафли касб соҳибларининг соғлиғини тиклашдек эзгу мақсад йўлида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Шу боисдан ҳам тиббиёт соҳасини танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман, ҳамшира энг биринчи навбатда ширинсўз бўлиши керак. Чунки беморлар дардига дори-дармон билан биргаликда ширин калом ҳам малҳам бўлади ва уларнинг тезроқ соғайиб кетишига ёрдам беради. Айтишади-ку, биргина ширинсўз инсонга жон ато қилиши мумкин деб. Шу боисдан ҳам ширинсўзликни инсонийликнинг энг сара фазилати деб биламан.

— Тиришқоқ ва интилувчан инсон барчанинг ҳурматига сазовор бўлади, — дейди Ойсулув билан бир жамоада меҳнат қилаётган ҳамшира Дилором опа Мамажонова. — Ойсулув жуда тиришқоқ қиз. Ўтган йиллар давомида ўзини фақат ижобий томондан кўрсатиб, бошқаларга ўрнак бўлиб келмоқда. Доим ўзига бириктирилган вазифани аъло даражада уддалашга ҳаракат қилади. Чунки у ўз касбини жуда севади. Очиқкўнгиллиги, ширинсуханлиги билан ҳамманинг меҳрини қозонган. Энг асосийси, ўз соҳасининг билимдонларидан...

Табиат аёлни билим ва иқтидорда эркакдан кам қилиб яратмаган. Бу дегани у ҳам ўқиб, жамият учун бирор фойдаси тегадиган касбни эгаллаб, юрт ривожи йўлида ўзининг беминнат ҳиссасини қўшишга қодир. Мана шундай ҳаётий ҳақиқатлар аёлнинг қирқта жони ҳақидаги мақол ва афсоналарни келтириб чиқарган бўлса, ажабмас. Биз бу сўзларни бежизга келтирмаяпмиз. Бундан хулоса шуки, аёл билими, иқтидори орқали кўп хайрли, эзгу ишларнинг уддасидан чиқади. Бу йўлда астойдил ҳаракат қилади. Лавҳамиз қаҳрамони Ойсулув Қамбарова ҳам ана шундай ёш ва ғайратли, дилбар қизларимиздан бири. Буни биз юқорида ҳам таъкидладик. Гувоҳ бўлганингиздек, у доимо посбонлар соғлиғи учун қайғуриб, уларга ўзининг беминнат ёрдамини кўрсатиб келаяпти. Албатта, унинг ўз устида тинимсиз ишлаши, устозларининг бой тажрибасини мукаммал ўрганганлиги бу йўлда унга катта мадад бермоқда. Умр йўлларини эзгулик билан безаётган, танлаган касбида ўрин топган бу қизнинг келажаги ҳам ёруғ бўлишига шубҳа йўқ.

**Гулнора ХОЖИМУРОДОВА,**
**шартнома бўйича хизмат оддий аскари**

## АРМИЯ — ҲАЁТ ИЧИДАГИ ҲАЁТ

**Она заминнинг ҳар бир қарич тупроғини кўз қорачиғидек асраш, сарҳадларини турли ички ва ташқи кучлар таъсиридан ҳимоя қилиш юрагида Ватан меҳри жўш урган ҳар бир юртдошимизнинг, хусусан ҳарбийларнинг муқаддас бурчидир.**

Бугунги суҳбатимиз машаққатларга йўғрилган шарафли касб эгаларининг ҳаёти, мустақиллик йилларида мудофаа тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда бу борада суҳбатдошларимизнинг мулоҳазалари атрофида кечади.

Меҳмонларимиз мудофаа тизимининг матбуот органларида узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳарбий соҳага оид бир неча рисола ва тўпламларга муаллифлик қилган ижодкорлар, истеъфодаги подполковниклар Холмурод Алланазаров ҳамда Абдураззоқ Обрўй.

**–Кўп йиллардан буён ҳарбий соҳада ижод қилиб келасизлар. Ҳарбий журналистиканинг бошқа соҳалардан ажралиб турувчи алоҳида жиҳатлари борми ва бу нималарда кўринади?**

***Холмурод Алланазаров:*** — Ҳарбий мавзуда қалам тебратиш бошқа мавзуларда ижод қилишга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик биринчидан журналистдан махсус тайёргарлик, ҳарбий соҳани билиш, маълум тажрибага эга бўлишни талаб этса, иккинчидан ҳарбийлар ҳар доим ўз фаолиятларида аниқ буйруқ, низом талаблари, мустаҳкам тартиб-интизомга амал қилган ҳолда хизматни олиб борадилар.

***Абдураззоқ Обрўй:*** – Армия – билаги кучга тўлган ўсмирларни ҳаётга тарбиялаш, чиниқтириш мактаби. Армия – ҳаёт ичидаги ҳаёт. Бу усул аскар йигитлар учун яна бир синов вазифасини ўтайди.

**– Авваллари ота-оналар фарзандларини армия хизматидан олиб қолишга интилардилар. Ҳозирги кунда бунинг аксини кузатмоқдамиз. Ҳарбий хизматга қизиқишнинг ортиб боришида қандай ҳикмат мужассам?**

***Абдураззоқ Обрўй:*** – 20 йиллар аввалги мавжуд армия билан ҳозирги ҳарбий хизмат орасида ер билан осмонча фарқ бор, десак янглишмаймиз. Бугунги кунда ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар, ҳукуматимиз томонидан соҳага қаратилаётган алоҳида эътибор ҳар қандай йигитнинг ҳарбий бўлишга ҳавасини уйғотади. Ҳозирда ҳарбий хизматга чақирилувчи йигитлар Мудофаа вазирлигининг жойлардаги ҳарбий бўлинмалари томонидан сараланиб хизматга қабул қилинмоқдалар.

**– Миллий армиямиз ва унда йигитлик бурчини ўтаётган аскарларнинг алоҳида жиҳатлари нималарда намоён бўлади?**

***Абдураззоқ Обрўй:*** – Хизмат вазифаси юзасидан АҚШ, Туркия, Япония давлатларида бўлганман. Мавжуд ҳарбий салоҳият, ҳарбий журналистика соҳаларида тажриба алмашганмиз. Шу орқали менда ривожланган мамлакатларнинг ҳарбий тизимини кузатиш имкони бўлган. Ўзбек ўғлонлари иймон-эътиқодга йўғрилган куч-ирода, чайирлик, матонат бир сўз билан айтганда ватанпарварлик туйғусининг кучлилиги билан бошқалардан кам эмас. Фикримга мисол келтираман: Дунёнинг 8 та ривожланган мамлакат ҳарбийлари иштирокида Чирчиқ шаҳрида ўртоқлик мусобақаси бўлиб ўтган эди. Беллашув давомида парашютдан сакраш мусобақаси ўтказилди. Бу жараёнда меҳмонлардан кўп ҳарбий йигитларнинг оёғи шикастланди. Айтиш керакки, бизнинг ўзбек ўғлонлари ҳеч бир зиён-заҳматсиз беллашувни якунладилар. Ўшанда хорижий меҳмонлар ҳам йигитларимизнинг чапдастлигидан хайратда эканликларини яширишмади.

Бугунги кунда жанговар низомларни, норматив тартиб ва қоидаларни такомиллаштириш, қўшин турларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш, кичик офицерлар тайёрлайдиган ҳарбий билим юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, айниқса армиямизнинг ўзаги бўлган сержантлар мактабларининг тўлиқ шаклланишига эришиш олиб борилаётган ислоҳотлар мазмунини ташкил этади. Бундан эса она Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги таъминланмоқда.

**– Байрам муносабати билан ҳарбийларга тилакларингиз...**

***Абдураззоқ Обрўй:*** – Аслида, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Ватан ҳимоячисидир. Шундай экан бугунги кун бутун халқимизнинг байрами. Истардимки, аскарларимиз ҳар кунлик жанговар маҳоратларини тинчликни сақлаш, Ватанни ҳимоя қилиш ва мустақилликни янада мустаҳкамлаш учунгина оширсинлар.

***Холмурод Алланазаров*** : — Ватанпарварлик, мардлик мактабини ўташни ўзларига шараф деб билган ёш аскарлардан тортиб офицерларгача ҳамма-ҳаммага байрам муборак бўлсин. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркарда боболаримизга муносиб авлодлар бўлишлик барча тинчлик посбонларига насиб этсин.

**Алишер ИСОМИДДИНОВ**
**суҳбатлашди.**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамкорликда анъанавий янги йил тадбирини уюштирдилар.**

## МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Шу куни Республика болалар руҳий касалликлари шифохонаси, Республика болалар ортопедия маркази, Республика болалар таянч ҳаракат касалликлари реабилитация маркази, Ўзбекистон фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институти, Республика болалар суяк сили касалхонаси, Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти, Тошкент шаҳар онкология диспансери, Тошкент шаҳар болалар сил касаллиги касалхонаси, Республика қон қуйиш институти, Республика онкология марказида даволанаётган жами 792 нафар бемор болаларга янги йил шодиёнаси совғалари тақдим этилди, самимий, эзгу ниятлар билдирилди. «Мен Забар Абдураззоқов, 12 ёшдаман. Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидан келганман. Шифохонада ҳамма шароитлар яхши. Соғлиғим ҳам тикланмоқда. Янги йил байрамидан хурсандмиз. Келажакда албатта шифокор бўламан. Чунки шифокорларни яхши кўраман», — дейди юзида табассум билан Забар.

Бундан ташқари, янги йил шодиёнаси муносабати билан кам таъминланган, кўп болали оилалар, қатор ўқув муассасалари, шаҳар ва туман жисмоний имконияти чекланган болаларнинг реабилитация тўгаракларига, ўзаро ижтимоий ёрдам бериш жамиятларига, Чернобиль АЭС фалокати оқибатларини тугатишда қатнашган фуқаролар жамғармаларининг шаҳар ва туман бўлимлари каби қатор хайрия ташкилотларига Тошкент Давлат циркидаги байрам томошаларига 7200 та чипта бепул тарзда берилди. Шу билан бирга Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида даволанаётган 200 нафарга яқин ёлғиз кексалар ҳам байрам билан табрикланиб, совғалар топширилди.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## ТАЛАБАЛАР УЧУН ЯРМАРКА

**«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида талабалар учун имтиёзли нархлардаги ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги ярмаркаси иш бошлади.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркага республикамизнинг барча вилоятларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб келинган.

Ярмаркани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад талаба-ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

— Ҳудудимизда талабаларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш, тафаккур доирасини кенгайтириш, илмга, санъатга бўлган қизиқишларини янада кучайтириб, янгидан янги иқтидор эгаларини кашф этиш мақсадида турли тадбирларни амалга ошириб келаяпмиз, — дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимининг биринчи ўринбосари Самуғжон Ҳикматов. — Талабалар ва ҳудудда яшайдиган аҳоли учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослаштирилган ярмаркани ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Ҳар мавсумда ўтказиб келинаётган ярмаркада талабаларимиз жуда фаол иштирок этишади. Биринчи куннинг ўзидаёқ икки мингдан ортиқ харидор ярмаркада иштирок этди. Бу эса аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаби нечоғлик ортиқлигидан далолат беради.

Ярмаркада талабалар турли хил кенг турдаги полиз ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уй шароитида зарур бўлган хўжалик молларини қулай нархларда харид қилиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

**Азима ҚИЁСОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

